

**2021**  
№2 Fevral (233)

ЭКОЛОГИЧЕСКИЙ ВЕСТНИК УЗБЕКИСТАНА  
ECOLOGICAL HERALD OF UZBEKISTAN

# EKOLOGIYA

XABARNOMASI



ISSN 2010-703X



9 772010 703004

# МУНДАРИЖА

## ЖАРАЁН

“Яшил” иқтисодиёт – экологик барқарорлик гарови!



### ГИПОТЕЗАЛАР-ТАДҚИҚОТЛАР-ИХТИРОЛАР



6

**Н. МУСАЕВА**

Кулжүктоғ (Марказий Қизилқұм) палеоген ётқизиқларининг стратиграфияси ва фораминиферасини ўрганиш тарихи

**Ш. НУРМАТОВ, А. РАХИМОВ**

Тупроқ унумдорлиги ва тақрорий әқинлар ҳосилдорлигини оширишда органо-маъдан компостларни аҳамияти



12

**Д. МАҲКАМОВА**

Жиззах чўлининг гипсли, шўрланган тупроқларига иқлим ўзгаришининг таъсирі

**Э. СУВОНОВ**

Практические меры, реализуемые на осущенном дне Афарльского моря



18

**Г. ХОЛДОРОВА**

Мирзачўл табиий ўлкаси ландшафтларининг ўзгаришида шамолнинг аҳамияти

**Н. АЛИМДЖАНОВ**

Агрокимёвий ифлосланишнинг олдини олишнинг ландшафт экологик асослари



24

**Н. ДАВЛАТОВ**

Новые данные о возрасте Султанбабинской свиты гор Кульджуктау (Центральные Кызылкумы)



30

**М. МОЙЛИЕВ, М. КАРАБАЕВ, Б. УРИНОВ**

Марказий Бўкантота маъдан қамровчи тоғ жинсларининг минералогик-петрографик таркиби (Қасқиртоғ, Бўзтоғ, Желсай майдонлари мисолида)



30

**З. АБДИЕВ, Б. АБДИЕВ, Ш. ШАРИПОВА**

Иссиқхоналарда гидропоника усулида озуқали эритмалар турлари ва мақбул озиқлантириш меъерини аниқлаш ва таққослаш

**Б. БАЗАРОВ, Э. ТУХТАНАЗАРОВ, Ж. ИБОДУЛАЕВ**  
Сравнительная оценка выбросов углекислого газа легкового автомобиля с двигателем Искрового зажигания, работающего на различных моторных топливах



Ахборот-тахлилий, илмий-амалий нашр

Информационно-аналитическое, научно-практическое издание

Information-analytical, scientific-practical edition

Муассис:  
Ўзбекистон Республикаси  
Экология ва атроф-мухитни муҳофаза килиш давлат кўмитаси

### ЭКОТАЪЛИМ



**38.**

**Н. БОЗОРОВА**  
Табиат муҳофазасида экологик таълимнинг аҳамияти

### ЭКОИННОВАЦИЯ

**Х. ТОЛИПОВ**

Қурғоқчил ҳудудларни боғу бўстонга айлантириш, экологик ёндашув ва иқлим учун хавфсиз амалиёт



**42.**

Таҳрир кенгаши раиси:

**А. МАҚСУДОВ**  
Таҳрир кенгаши аъзолари:  
**Б. ТАЖИЕВ,**  
**К. ТОЖИБОЕВ,**  
**Б. ХОЛМАТОВ,**  
**Х. ПҮЛТАТОВ,**  
**А. ХОЛМУРОДОВ,**  
**Б. НИШОННОВ,**  
**С. МУХТОРАЛИЕВ**

Бош мухаррир:  
**Н. АБДУЛАЕВА**

Бош мухаррир ўринбосари ва масъул котиб:  
**Г. МЕНГЗИЯЕВА**

Саҳифаловчи-дизайнер:  
**О. ЖУМАКУЛОВА**

Нашр Ўзбекистон Республикаси  
Олий аттестация комиссиясининг рўйхатига киритилган.

Обуна индекси: 910  
Таҳририят манзили: 100185  
Тошкент ш., Чилонзор тумани «Катортол»  
кўчаси 26-үй.  
[www.econews.uz](http://www.econews.uz)  
E-mail: chinorenk@mail.uz

Муаллифлар фикри таҳририят фикри билан тўғри келмаслиги мумкин.

### ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК



**44.**

**М. НИЗОМОВА**  
Доривор цистанхе (*sistanxe solsa*) ўсимлигининг тарқалиши ва улардан фойдаланиш, халқ табобатида ишлатилиши

Ўзбекистон ва Ҳиндистон: Барқарор ривожланиш ва эко-энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ривожламоқда



**46.**

### ЭКОТУРИЗМ



**50.**

**Д. БОБОЕВА**  
Ўрмончилар экотуризм ривожига муносиб ҳисса қўшмоқдалар



**52.**

**53.**

### ЭКОСАНА

2 февраль -Бутунжаҳон сув-ботқоқ ҳудудлари куни  
19 февраль-Бутунжаҳон денгиз сутэмизувчиларини муҳофаза қилиш куни (китлар куни)

2008 йил 7 марта ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги) томонидан рўйхатта олинган.  
Рўйхатга олиш раками №0515

### ҚИЗИЛ КИТОБ САҲИФАЛАРИДАН



**54.**

**55.**

Бинафшаранг астрагал  
Туркман қулони

### ТУРФА ОЛАМ

Қизиқарли 10 та экодалил



**56.**

Босиша руҳсат этилди  
Формати 60x841/8.

Табоги 7 б.т.

Адади

Буюртма №\_\_\_\_\_

Баҳоси келишилган нархда.

"ECO TEXTILE PRODUCT" МЧЖ босма-хонасида оғсет усулида чоп этилди  
Матбаба гувоҳномаси раками № 10-3632  
Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Тошкент Автомобиль ҳалка йўли, 11-км, 10-үй

# АГРОКИМЁВИЙ ИФЛОСЛАНИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЛАНДШАФТ-ЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ

**Н. АЛИМДЖАНОВ, Наманган Давлат университети таянч докторанти**

Қишлоқ хўжалигида экологик тоза, сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни етишириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир мамлакат учун энг долзарб масалалардан биридир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни чукурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш каби вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифалар ечимида кимёвий ўғитлардан аниқ меъёр ва мезон асосида нафақат иқтисодий, балки экологик талабларни ҳисобга олиб фойдаланиш кутилган натижаларни беради.

Мамлакатимиз дехқончилигига минерал ўғитларни кўллаш меъёри ва муддати ўсимликнинг нави, иқлимий шароитига боғлиқ бўлади. Ишлатилаётган минерал ўғитларни дифференциал тақсимлаш учун ишлаб чиқилган агрокимёвий ҳариталарда (картограмма) мезонлар (нормалар) тупроқ ва ўсимликларнинг маълум ўғитга бўлган талабидан келиб чиқиб тузилгани, лекин минтақанинг ландшафт-экологик шароити тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги кузатилади. Минерал ўғитларнинг тартибли

ишлатилиши, уларнинг атроф-муҳитга етказадиган салбий таъсирларига аниқлик киритиш ва бу таъсирларнинг энг минимал ҳолатида мўлжалланган ҳосилни олиш, барча ҳудудлар учун қўллаш мумкин бўлган ҳудудий меъёrlарини ишлаб чиқишида экологик-агрекимёвий районлаштириш ва ҳариталаштириш усулидан фойдаланиш мумкин. Бу районлаштириш ҳар бир район учун кимёвий моддаларнинг, табиий биогеокимёвий жараёнларга таъсир қўлмайдиган, салбий экологик ҳолатларни келтириб чиқармайдиган миқдорини аниқлаш имконини беради [2,3,7]. Белгилаб олинган районларнинг энг кичик бирлиги сифатида маълум географик ландшафт тури ва унинг рельефи, тупроқ механик таркиби ва у ердаги дехқончилик турини ўрганиш мақсадга мувофиқ [4,5].

Ландшафтнинг мезо ва микрорельефи билан кимёвий моддаларнинг миграцияси (ҳаракати) ўртасидаги алоқадорлик дала тадқиқоти шароитида ўрганилган. Юқори дозадаги ўғитлар ва заҳарли химикатларни ишлатиш оқибатида биогеокимёвий мувозанат кирим фойдасига ўзгаради ва натижада жойдаги агрокимёвий босим ортади [5]. Қайирили ландшафтларда азотнинг тўпланиши (аккумуляцияси) киримга нисбатан 30 фоизни ташкил этади. Шунга кўра, сарфланаётган ўғитларга юқори ҳудудларда жойлашган тупроқлар таркибидаги

ўғитларнинг ҳам қўшилиб кетиши натижасида қия бўлган ландшафтларда бу кўрсаткич тахминан 24 фоизни ташкил қилади. Шу сабабдан ҳам қайир дехқончилигига азотли ўғит меъёрини белгилашда агрокимёвий аккумуляция эътиборга олиниши муҳим ҳисобланади. Бунинг натижасида ижобий экологик ҳолатлар юзага келади. Бу ҳолат маҳсулотлар, қайир ер ости ва дарё сувларининг нитратлар билан ифлосланишининг олдини олади.

Наманган вилояти ҳудудининг адир оралиғи текисликларида геокимёвий алоқа икки томонлама бўлиб, кимёвий моддаларнинг тўпланиши қиялик ландшафтларига нисбатан икки марта юқори. Оз эрувчанлигига қарамасдан заҳарли химикатлар, айниқса, гербицидларнинг ҳаракати ва тўпланиши ҳам жойнинг гипсометрик ўрнига боғлиқ. Мисол учун, нишаблиги 0,5-1 градус бўлган қияликларда гербицидларнинг ювилиши деярли кузатилмайди. Лекин нишаблиги 3,5 градус бўлган майдонларда эса гербицидлардан фойдаланилгандан кейин 130 кун ўтгач, уларнинг миқдори пастки ҳудудларда юқоридаги ҳудудларга нисбатан 4 марта, қияликнинг нишаблиги 6-7 градус ва 8-8,5 градус бўлган майдонларда, мос равища, 9-20 марта гача ортиб кетади.

Наманган вилоятининг бутун ҳудуди маълум қияликка эга эканлиги ҳисобга олинса, бу маълумотларнинг қанчалик

муҳим эканлиги ҳамда минерал ўғитлардан фойдаланишда бу омилнинг ҳисобга олиниши жуда катта аҳамиятга эга эканлигини тушуниш мумкин.

Худуддаги агрокимёвий босимга таъсир кўрсатувчи иккинчи омил тупроқнинг механик таркиби ҳисобланади. Минерал ўғитларнинг ювилиб кетиши бўйича тупроқ турлари қум-қумоқ-гил (лойқа) тартибида жойлашган бўлиб, сув ўтказувчанлиги катта бўлган қумли тупроқларда озиқлантирувчи элементларнинг йўқотилиши юқори бўлганда, аксинча, лойли, чангли заррачали оғир механик таркибли тупроқларга эга бўлган ерларнинг нитратлар, оғир металлар ва заҳарли химикатлар қолдиғи билан юқори даражада ифлосланиши кузатилади.

Химиатлар билан атроф-мухитнинг ифлосланиши ва биоген элементларнинг йўқотилиши ўрганилаётган худуддаги дехқончиликнинг ихтисослашуви, алмашлаб экиш ва экин турига бевосита боғлиқ [2, 6]. Озиқлантирувчи элементларнинг кўп даражада камайиши сабзавотларда ва ишлов берилувчи экинларда кузатилади. Обикор дехқончиликда азотнинг буғдой экилган далалардан

йиллик йўқотилиши 6 кг га тенг бўлиши мумкин [6]. Шу билан биргаликда, минерал ўғитлар йўқотилишининг миқдори уларнинг сарфланилаётган ҳажмининг ортиши билан ҳам ўсиб боради. Бу ҳолат, кўпинча, пахта экиладиган майдонларда кузатилади.

Келтирилган сифат кўрсаткичлари ёрдамида ҳар бир ландшафт турининг кимёвий босимга нисбатан барқарорлигини, мустаҳкамлик даражасини аниқлаш мумкин (1-жадвал).

Ушбу кўрсаткичларни миқдорий кўрсаткичлар билан ўзаро таққослаб, олинган натижалар орқали ҳар бир ландшафтнинг агрокимёвий моддалар билан ифлосланганлик ҳолатини билиш мумкин бўлади. Натижада худудда экологик-агрокимёвий районлаштириш, ландшафтда агрокимёвий ўғитларни ишлатиш мумкин бўлган, экологик нуқта-назардан қараганда энг мақбул бўлган миқдорий кўрсаткични топиш имконияти яратилади.

Юқорида кўрсатилган жадвал асосида башоратли харита ишлаб чиқилади ҳамда уни маъмурий харита билан солишириб чиқилади, ҳар бир хўжалик субъекти ерлари

учун агрокимёвий ўғитларнинг экологик жиҳатдан мос бўлган меъёрлари белгилаб чиқилиши мумкин. Наманган вилоятидаги маъмурий туманлар бир неча ландшафт минтақасида жойлашган (2-жадвал), шунинг учун биз ландшафт минтақаларига мос равища амалдаги тупроқ районларини ҳам жадвалга киритдик. Бунда маъмурий тумандаги ҳар бир хўжалик юритувчи субъект қайси ландшафт минтақасида жойлашганлигини аниқлаш имконияти яратилади.

Худудларнинг минерал ўғитлар билан ифлосланиш эҳтимоли энг юқори бўлган жойлар қайирлар, конуссимон ёйилмаларнинг кўйи қисми, адир орти ботиғида жойлашган текисликлар ҳисобланади. Шу худудларда химиатларнинг сарфланиши мезонини (картограммада) белгилашда юқоридаги ҳолат бўйича иш олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Наманган вилояти “Агрокимёҳимоя” худудий акциядорлик жамияти маълумотлари бўйича, 2018 йилда паст тоғлар, тоғолди, адир худудларида жойлашган Янгиқўрғон туманида 1 гектар ерга 60 кг., Чортоқ туманида 80 кг., Чуст туманида 140 кг., Поп туманида 150 кг, Косонсой

### 1- жадвал

#### Наманган вилояти худудини агрокимёвий ифлосланишга мойиллиги бўйича гуруҳлаштириш

Ландшафт номи	Ифлосла-нишга мойиллиги	Мезорельеф шакли, жой қиялиги, градус ҳисобида	Тупроқнинг механик таркиби	Қўлланилаётган алмашлаб экиш тури
I. Поймали, конуссимон ёйилмаларнинг кўйи, ўрта қисми	Юқори	Ясси, қисман қия-текислик, нишаблик 1-2 градус	Оғир қумоқ, гилли	Пахта, беда, маккажӯхори (силос)
II. Баланд текисликлар, конуссимон ёйилмалар юқори қисми	Ўрта	Қия ва қиянишаб текислик, нишаблик 2,5-5 градус	Ўртача ва енгил қумоқ	Пахта, беда, сабзавот донли экин
III. Адир ва паст тоғлар ёнбағирлари	Кучсиз	Нишаб ёнбағирлар, нишаблик 5 градус ва 7-9 градус	Енгил қумоқ, шағал ва тошли	Сабзавот, донли экин, ем-хашак, боғ ва узумзорлар

Жадвал Башкин... 1991. Боймирзаев 2007, бўйича муаллиф томонидан тузилган.

## 2-жадвал

### Наманган вилояти маъмурий туманларининг ландшафт минтақаларида жойлашуви

№	Ландшафт минтақалари (А.Никонорова бўйича)	Тупроқ районлари (Фарғона водийси сув.2018)	Маъмурий туманлари
1.	Адир ва паст тоғлар ёнбағирлари	Косонсой-Подшоотасой бўз тупроқлари райони, Поп-Чуст тоголди бўз тупроқлари райони, Чодак-Чоркесар бўз тупроқлари райони, Қурама баланд тоғлар ва тог олди тупроқлари райони,  Шимолий Фарғона адирлари бўз тупроқлари райони	Поп, Косонсой, Янгиқўрғон, Чорток, Чуст
2.	Баланд текисликлар конус ёйилмаларининг юқори қисми	Мойлисой ёйилмаси бўз тупроқлари райони, Учқўргон оч тусли бўз ва ўтлоқи тупроқлари райони	Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон, Чорток, Тўракўрғон, Наманган, Норин, Учқўргон
3.	Поймали Конуссимон ёйилмаларнинг ўрта ва қуий қисми	Марказий Фарғона чўл тупроқлари ва сур тусли қўнғир тупроқлари райони	Поп, Мингбулоқ Тўракўрғон, Наманган, Норин, Ўйчи

Жадвал муаллиф томонидан А. Никонорова ва Р. Қўзиев маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

туманида 160 кг минерал ўғитлар ишлатилган. Интенсив дэҳқончилик ҳудудлари ҳисобланган дарё қайирлари, конуссимон ёйилмаларда жойлашган Ўйчи туманида 1 га. ерга 210 кг., Норин тумунида 240 кг., Учқўргон туманида эса 290 кг. минерал ўғит сарфланган. Юқоридаги агрокимёвий районлаштириш мезони бўйича баҳоланса, бу ландшафтларда азотнинг тўпланиши (аккумуляцияси) киримга нисбатан 30 фоизни ташкил этади, бунга юқоридаги адир ва паст тоғ ёнбағир ландшафтларидан келиб қўшилаётган ўғитлар ҳисобига агрокимёвий ифлосланиш хавфи янада ортади. Шунинг учун ҳам агрокимёвий моддаларнинг ҳудудий тақсимотида фақатгина тупроқ ва ўсимликларнинг кимёвий моддаларга бўлган талабидан ташқари, жойнинг ландшафт-экологик ҳолатини ҳам эътиборга олиш кутилган ижобий самарани беради.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // Халқ сўзи, 2019 йил 18 июнь.
2. Башкин В.Н. “Эколого-агрогохимическое районирование аккумуляции и миграции нитратов.” // Химизация сельского хозяйства. – Москва, 1990. – №3. С. 32-35.
3. Башкин В.Н., Сороковникова Н.В., Припутина И.В. “Эколого-агрогохимическое районирование Московской области”. // Химизация сельского хозяйства. -Москва, 1991. - №9. -С.6-10.
4. Боймирзаев К.М. “Фарғона водийси воҳа ландшафтларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш”. -Т.: 2007, “Фан” нашриёти. 130 б.
5. Кочуров, Б.И. “Экодиагностика и сбалансированное развитие”. Учебное пособие / Б.И. Кочуров. – Москва – Смоленск: Маджента, 2003. – 384 с.
6. “Фарғона водийси сугориладиган тупроқларининг хоссалари, экологик-мелиоратив ҳолати ва маҳсулдорлиги”. Тошкент, “Наврўз” нашриёти, 2017. -328 бет.
7. Наманган вилояти “Агрокимёҳимоя” ҳудудий акциядорлик жамияти маълумотлари. 2018 йил.
8. Никонорова А.Д. “Ландшафтно-геоэкологическое обоснование оптимизации водопользования в орошаемом земледелии Ферганской долины”. Дис.... канд. геог.наук. –М., 2015. – 169 с.